

“ILM - FAN VA INNOVATSION YUTUQLARNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI”

RESPUBLIKA ILMIIY-AMALIY
KONFERENSIYASI 4-SONI



15 IYUN, 2022. "SCIENCES" OOO

SINF RAHBARLIGI ISHLARINI TASHKIL ETISH METODIKASI	67
20. Miralimov Mirraxim, Shungarayeva Gulmira, Xidiraliyev Ne'matullox TURAR-JOY BINOLARINING TASHQI TO'SIQ KONSTRUKSIYALARI ENERGIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISH	72
21. Shoraimov Husanboy Uktamboevich A WEB-BASED VIRUS IDENTIFICATION SYSTEM USING VIRAL NUCLEOTIDE SIGNATURES	75
22. Ergashev Sirojiddin Baxtiyor ugli, Shoraimov Husanboy Uktamboevich COMPARISON FOR THE DETECTION OF VIRUS AND SPAM USING PATTERN MATCHING TOOLS	78
23. Nishonov Patxiddin Payziboyevich, Ochildiyeva Zuhra Xolnazarovna FRANSUZ VA O'ZBEK TILLARIDA INSON XARAKTERINI IFODALOVCHI LEKSIK BIRLIKLAR	81
24. Mirzakarimova Ro'zaxon, H.H.Hamrayeva BOLALAR RAQS ANSAMBLLARIDA YOSHIGA MUVOFIQ MUSIQA TANLASH MASALALARI	83
25. To'raqulova Madina Ixtiyor qizi JAMIYATIMIZDA YOSHLARNI HUQUQIY MADANIYATINI OSHIRISHNING AFZALLIKLARI	89
26. Tajibayev Soyib, Abduhamidov Ravshan, Po'latov Zafar BOSHLANG'ICH TAYYORGARLIK BOSQICHIDA SHUG'ULLANUVCHI O'SMIR YOSHDAGI BOKSCHILARNING PSIXOFIZIOLOGIK TAYYORGARLIGI XOLATI ...	92
27. Tajibayev Soyib, Abduhamidov Ravshan, Po'latov Zafar XARAKATLI O'YINLAR VOSITALARI YORDAMIDA O'SMIR BOKSCHILARNING PSIXOFIZIOLOGIK TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISH	99
28. Akhmedova Durdona VARIOUS INNOVATIVE PROGRAMS ON THE BASIS.....	109
29. Усманов Равшанбек Джахангирович, Собирова Дилдора Равшановна, Азизова Феруза Хусановна, Ишанджанова Сурайёпа Хабибуллаевна, Махмудова Шахло Исматуллаевна ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИНИ ТАЖРИБА ҲАЙВОНЛАРИ ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИНИ ГЕМАТОЛОГИК, БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ	111
30. Ayitbayeva Muhayyo Davronbek qizi, Ne'matov Muhammadali Shuxrat o'g'li КУНГАБОҚАР ПАРВОНАСИ OSTRINIA NUBILALIS МОРФОЛОГИЯСИ ВА БИОЭКАЛОГИЯСИ	114
31. Ибодуллаев Саидмуҳаммад Раҳматулла ўғли ДАВЛАТ ТИЛИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ ТУШУНЧАЛАР ҲАҚИДА	117
32. Xoljigitova Diyora, Muhammadiyeva Dinora, Jaloldinov Abdujabbor, Abduroziqov Abdusalom PAMIDORDA UCHROVCHI VIRUSLI KASALLIKLAR	125
33. Kadirova Shokhibonu Muhammadovna Informations and ICT.....	128
34. Kadirova Shokhibonu Muhammadovna INFORMATION TECHNOLOGIES AND SCIENCE EDUCATION.....	131

REFERENCE

1. Aripova Z. S., Aysachev A. A. INFORMATIZING SOCIETY AS ONE OF THE REASONS FOR CREATING A GLOBAL SOCIETY //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-1. – С. 62-65.
2. Solijonovna Z. A. Modern Information Technologies-A Factor Of Increasing Youth Education, Potential And Spirituality. The American Journal of Social Science and Education //Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 09. – С. 554.
3. Aripova Z. S. CULTURAL TRADITIONS: THEIR ESSENCE AND STRUCTURE //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 16-19.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИНИ ТАЖРИБА ҲАЙВОНЛАРИ ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИНИ ГЕМАТОЛОГИК, БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Усманов Равшанбек Джахангирович, Собирова Дилдора Равшановна, Азизова Феруза Хусановна, Ишанджанова Сурайёпа Хабибуллаевна, Махмудова Шахло Исматуллаевна

Қандли диабет дунё аҳолиси орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб, 100 млн дан ортиқ кишилар шу хасталикдан азият чекмоқдалар. Бу касаллик Республикамиз аҳолиси (асосан кекса ёшдаги кишилар) орасида ҳам учраб, беморларнинг 15% дан кўпроғи мунтазам равишда парҳез таомлар истеъмол қилиб, қонда қанд миқдорини камайтирувчи дориларни ичиб юрадилар. Қабул қиладиган дори воситаларидан қатъий назар қандли диабетга чалинган бемор парҳез қилиши соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, зарарли одатларни тарк этиши, енгил жисмоний меҳнат ёки баъзан тарбия билан шуғулланиши шахсий озодаликка амал қилиши ўзи учун тўғри касбни танлай билиши, энг муҳими бемор оқилона даволаниш узок вақт меҳнат қобилиятини ва соғлигини сақлаб қолиши учун ушбу касаллик ҳақида муайян даражада тиббий билим ва тиббий маданиятга эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам қандли диабетга чалинган беморларга касаллик тўғрисида тушунча бериш учун врач мутахассислар томонидан суҳбатлар ташкил этилади. Қандли диабет касаллиги билан оғриган беморларни парваришида иштроқ этадиган кишилар (беморнинг оила аъзолари ва қавм-қариндошлари)

хам бу касаллик тўғрисида тушунчаларга эга бўлиши зарур. Қандли диабет касаллиги организмда моддалар алмашинуви бузилиши билан кечадиган касаллик бўлиб келиб чиқиши сабаблари, ривожланиш босқичи ва белгилари қон таркибида қанд-шакар (глюкоза) нинг сурункали равишда меъёрдан ортиқ бўлиши (соғлом кишиларда ноҳарда қон таркибида глюкоза 5,5 ммоль, яъни 140 мг % гача) ва буйрақлар қон таркибидаги глюкозани сақлаб тура олмаслиги натижасида глюкоза сийдик билан ажралиб чиқа бошлайди (соғлом одамда сийдикда глюкоза бўлмайди). Қондаги глюкоза организмга озиқ-овқат билан киради. Инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар уч турдаги маҳсулотлардан: углеводлар, оксиллар, ёғлардан иборат бўлиб, глюкозанинг асосий манбаи- углеводдир. Организмда углеводни қайта ишлаш ва қувватга айлантириш учун фаол биокимёвий модда ошқозон ости безининг алоҳида хужайраларидан ишлаб чиқариладиган инсулин бўлиб, у етарли даражада бўлиши лозим. Инсулин тақчиллиги оқибатида глюкоза тўлиқ глюкоген ва қисман ёғ ҳосил бўлиши учун охиригача қайта ишланмайди, балки организм қабул қилган оксиллар, ёғлар ва глюкогендан глюкоза ҳосил бўлиши кучаяди. Натжада қон таркибида глюкоза миқдорини ошишига олиб келади. Қандли диабет касаллиги, инсулинга муҳтож ва инсулинга муҳтож бўлмаган турларга бўлинади. Касалликнинг асосий аломатлари-чанқаш, оғизни қуриб қолиши, кўп миқдорда сийдик (суткада-3-5 литр ва ундан кўп) ажралиши, озиб кетиш, ҳолсизлик, кейинчалик кўриш фаолиятининг пасайиши, танада битмайдиган яра чақалар пайдо бўлиши билан кечади. Беморлар дори-дармон билан даволаниш билан бир қаторда вақтида парҳез таомлар истеъмол қилиш лозим. Шунини билиш лозимки фақат углеводлар истеъмол қилингандан кейин қон таркибида глюкоза миқдори ошади. Шунинг учун организмга қабул қилинадиган углевод миқдорини билиш лозим. Лекин касалликнинг инсулинга қарам бўлмаган турида оксил ва ёғни организм талабига кўра истеъмол қилиш мумкин. Углеводлар тез ўзлаштириладиган (таъми ширин) ва секин ўзлаштириладиган (таъми ишрин эмас) турдаги маҳсулотларда мавжуд бўлиб, углеводларни меъёрламасдан

ейиладиган ва меъёрлаб ейиладиган (соф шакар) маҳсулотларга бўлинади. Меъёрламасдан ейиш мумкин бўлган маҳсулотлар барча турдаги сабзавот, кўкатлар, карам салатининг барча турлари, редиска, турп, ровоч, сабзи, шолғом, кабачка (ковуннинг майда тури), бақлажон, ковок, помидор, бодринг, булғор қалампери, шовул, петрушка, кашнич, шивит, исмалок, дуккакли ўсимликлар ловия, нўхат, истеъмол қилганда қон таркибидаги глюкозани кам ёки бутунлай оширмайди. Лекин таркибида соф шакар мавжуд бўлган маҳсулотлар: шакар, барча турдаги конфетлар, мураббо, новвот, парварда, қиём, шинни, печенье, торт, музқаймоқ, ширин ичимликлар, шунингдек нон ёрмалари (гуруч, сули, гречка), макарон, вермешель, мевалар, сўт ва сўт маҳсулотлари, картошка, маккажухори истеъмол қилганда қондаги глюкоза миқдорини оширади. Шунинг учун организмда ўзлаштириладиган углеводларни ўлчов билан истеъмол қилиш учун “Нон бирлиги” формуласидан фойдаланилади. Бир нон бирлиги 12гр углеводга тўғри келади. Шунинг учун бемор овқат маҳсулотининг қайси турида, неча граммда, неча фоиз углевод борлигини билиш ва шу ҳисобда қайси маҳсулотлардан қанча истеъмол қилиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқиш лозим: масалан, 1 стакан сўт (250мл) бир нон бирлигига эга углевод организмга тушганда қондаги глюкоза миқдорини 15-19 ммоль/л га оширади. Қандли диабет билан оғриган бемор бир кеча-кундузда 5-6 марта муайян соатларда овқатланиши лозим. Овқатланиш тартиби асосий уч маҳал ва қўшимча уч маҳал, нонушта, иккинчи нонушта тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат ва иккинчи кечки тамадди бўлиб, овқатнинг бир кеча кундузлик калорияси 50% углеводлар, 20% оқсиллар, 30% ёғлар, шунингдек витаминлар, микроэлементларга бой сабзавот меваларни истеъмол қилишлари зарур. Қасалликнинг тури ва оғир, енгиллигига қараб ушбу парҳез овқатлар миқдори ўзгариши мумкин. Шунинг билан бир қаторда овқатлар калориясини ҳам назорат қилинади. Шунинг учун катта ёшдаги кишиларда қувватга бўлган эҳтиёжи тана вазни ҳамда бажариладиган

ишларни хусусиятига караб аниқланади. Эркак киши учун танасининг меъёрий оғирлиги куйдагича ҳисобланади. Меъёрий оғирлик (см, бўйи-100)-10 %. Агар беморнинг бўйи 170см, оғирлиги 70 кг бўлса куйдагича формулада ҳисобланади. Унинг оғирлигига нисбатан $(170-100)-10=60$ кг яъни бир кеча кундузлик қувватга бўлган эҳтиёж аниқланади: Масалан енгил жисмоний меҳнат билан машғул бўлса $30 \times 60 = 1800$ ккал бўлиши лозим. Яъни 1 кг мўътадил оғирлик учун тенг ҳолатда 20-25 ккал/кг, енгил жисмоний меҳнат бажарганда 30-35 ккал/кг, оғир жисмоний меҳнат бажарганда 35-40 ккал/кг ҳисобида энергия сарфланади. Хулоса шундан иборатки, қандли диабет билан оғриётган беморлар ушбу тавсия ва кўрсатмаларга риоя қилишса ўз соғлиқларини тиклашларига замин яратилади.

КУНГАБОҚАР ПАРВОНАСИ OSTRINIA NUBILALIS

МОРФОЛОГИЯСИ ВА БИОЭКАЛОГИЯСИ

Ayitbayeva Muhayyo Davronbek qizi

TDAU O‘simliklar himoyasi, agrokimyo va tuproqshunoslik fakulteti

Professional ta’lim: O‘simliklarni himoya qilish 21-03-guruh talabasi

Ne’matov Muhammadali Shuxrat o‘g‘li

TDAU O‘rmon xo‘jaligi va landshaft dizayn fakulteti O‘rmonchilik yo‘nalishi 21-71-guruh talabasi

Тавсия этиладиган навлар: СУР, Родник, Жаҳонгир, Олатўн, Самарқанд оқ кунгабоқари.

Уруғлик танлаш ва экишга тайёрлаш. Кунгабоқар навларининг уруғларини оргинатор ташкилотлардан уруғлик сифатини тасдиқловчи хужжатларга асосланган ҳолда олиш тавсия этилади. Маҳаллий Олатўн ва Самарқанд оқ кунгабоқарининг уруғларини, ҳосил пишиб етилган даврда кунгабоқар даласида ҳосил саватларининг йириклиги, ҳосил саватидаги уруғларнинг бир хиллиги, касалланмаганлиги ва бошқа белгилари бўйича танлаб олинади. Ушбу кунгабоқарнинг ҳосил саватлари куруқ ва шабадали